

---

## Бағдод туманида қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 167 млрд. сўмга етди

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари ҳолатига, Бағдод туманида қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони 126 тани ташкил этиб, улар томонидан 167 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,3 фоизга етганини кўрсатади.

### **Жумладан:**

йирик қурилиш ташкилотлари - 9,3 млрд. сўм;

кичик корхона ва микрофирмалар - 114,7 млрд. сўм;

норасмий сектор - 43,0 млрд. сўм.

### **Бундан ташқари:**

аҳоли жон бошига қурилиш ишлари - 981,2 минг сўмни ташкил этди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича:**

бино ва иншоотларни қуриш - 140,7 млрд. сўм;

фуқаролик объектларини қуриш - 20,1 млрд. сўм;

ихтисослаштирилган қурилиш ишлари - 6,2 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

### **Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-07-26 16:13:59